160496

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ФЕДЕРИКО МАЙОРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасида маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ғоят катта хизматлари, Марказий Осиё халқларининг ниҳоятда бой маънавий меросини тиклаш ва оммалаштиришга, «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга оширишга қўшган улкан ҳиссаси учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари буйича ташкилоти бош директори, таниқли олим ва жамоат арбоби Федерико Майор «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 10 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЛЮСЬЕН КЕРЭННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурийлар даврининг ғоят бой маънавий қадриятларини кўп йил самарали илмий тадқиқ этганлиги, шунингдек, Франция билан Ўзбекистон халқларининг маданиятларини бир-бирига яқинлаштириш ва уларнинг ҳамжиҳатлиги ишига шахсан ҳисса қўшганлиги учун Франциянинг таниқли олими, профессор Люсьен Керэн «Шуҳрат» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 10 апрель.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КИТОБИ ПАРИЖДА НАШР ЭТИЛДИ

Узбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ижобий ўзгаришлар, республиканинг ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти ҳамда очиқ ташқи сиёсатга асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти барпо этиш йўлидан дадил бораётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан тобора кенгроқ эътироф этилмоқда.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби Парижда француз тилида нашр этилгани бу фикримизни тасдиқлаб турибди.

Китоб муаллифнинг француз китобхонларига сўзбошиси билан очилади. «Ҳурматли китобхон, — деб ёзади Ислом Каримов, — қўлингиздаги китобда Узбекистонда иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини тасвирлаб беришга, энг долзарб муаммолар ҳамда уларни ҳал этишга ёндашувларни кўрсатишга, тупланган тажрибани умумлаштириб, келажакка назар ташлашга, яқин келажакда биз асосий диққат-эътиборни қаратадиган йўналишларни белгилашга ҳаракат қилдим».

Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида Узбекистон мустақилликка эришганидан кейин босиб утилган йўл таҳлил қилинган, қўлга киритилган ютуқлар ҳамда ҳал этилмаган муаммолар хусусида мулоҳаза юритилган, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг истиқболига равшан назар ташланган. Муаллифнинг таъкидлашича, бу дастурни амалга ошириш жараёнида иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кичик хусусий корхоналар барпо этишни авж олдириш, чинакам рақобат муҳитини вужудга келтириш лозим. Буларнинг ҳаммаси туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни жаҳон бозорига олиб чиқишни таъминлайдиган сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш жараёнини тезлатиш учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади.

Ислом Каримовнинг асари «Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунлари ва сабоқлари» ҳамда «Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи вазифалари ва устувор йўналишлари» деб номланган икки қисмдан иборат. Китобда иқтисодиётни ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш, бу жараён учун ҳуқуқий негизни яратиш, мулкни хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, янги турдаги аграр муносабатларни ташкил этиш тўғрисида, ижтимоий аҳамиятга молик барча ўзгаришларда муваффақиятнинг асоси сифатида иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ҳақида сўз юритилади.

Китоб бўлимларининг мазмуни иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш вақти жиҳатидан ҳам, бу жараёндан кўзланган мақсад ва вазифалар жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Айни пайтда улар асосий масалага — жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишга имкон берадиган саноат ишлаб чиқариши юксак даражада ривожланган кучли демократик давлат барпо этишга бўйсунган ягона жараённинг яхлит кўринишидир. Китобнинг ҳар иккала бўлимида ҳам инсон, унинг ижтимоий орзу-умидлари, жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан қайта тиклаш хусусидаги ғамхўрлик яққол сезилиб туради.

Ҳаёт умуман жўшқин. У ислоҳотлар жараёни бораётган жойларда айниқса жўшқин кечади. Ислом Каримов ўз китобининг француз нашрига ёзган сўзбошисида мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг иккинчи босқичи бошланган 1995 йилга қисқача якун ясаб, ўтган йилнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий курсаткичларини келтиради.

«Узбекистон келажакка ҳушёрлик ва ишонч билан қарамоқда, — деб ёзади муаллиф. — Биз ўз йўлимизни танлаб олганмиз ҳамда бизни қўллаб-қувватлашга аҳд қилган, Узбекистон катта имкониятларга эга бўлган мамлакат эканига, у билан узаро фойдали амалий алоқаларни ривожлантириш мумкинлиги ва зарурлигига ишонч ҳосил қилган кишилар билан биргаликда шу йўлдан боришга тайёрмиз». Ислом Каримов сўнгра франциялик китобхонларни мамлакатимиз, Узбекистонда хорижий тадбиркорлар учун вужудга келаётган имкониятлар билан яқиндан танишишга даъват этади.

Францияда Узбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар катта қизиқиш билан кузатилмоқда. Халқларимиз ўртасидаги буюк аждодимиз соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI даврида бошланган мустаҳкам алоқа анъаналари ҳозир тезлик билан қайта тикланмоқда. Улар XV аср бошларидаёқ мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни давом эттириш зарур, деган яқдил фикр билдирган эдилар. Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Бинобарин, Узбекистон—Франция ҳамкорлиги янада самарали бўлиши учун барча имконият мавжуд.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Парижда ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталиги доирасида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган байрам тадбирларида иштирок этиш учун Францияга ташрифи арафасида мазкур китобнинг нашр этилиши чуқур рамзий маънога эга.

(ЎзА).



Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | **1996 йил 11 апрель, пайшанба № 44 (21.965).** | *Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган*

САНЪАТ УЧУН ОЙДИН ЙЎЛ

Бундан икки йил аввал айтилган бир мулоҳаза эсимда. Муборак Наврўз байрами арафаси эди. «Баҳор»га бордим. Ҳамма билан диллашдим, дардлашдим. Ўзбек рақс санъатида ўзига катта ҳайкал қўйиб кетган раҳматлик Мукаррам Турғунбоевани эсладик. У кишининг ўлмас анъаналари истиқлол замонида яна бўй кўрсатаётганидан суюниб фахр туйдик. Сўнг...

Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева юрагини очди: «Биласизми, мен нимадан кўпроқ фахрланаман. Шундай улуғ бир юртда туғилганимдан ва шундай катта бир халқ санъатини дунёга ёйган устозларимнинг изидан бораётганимдан ғурурланаман. Лекин кўнглимнинг бир четида озгина хижиллик бор: у ҳам бўлса, бизлар тарқоқмиз. Бошимиз кўп...»

Кеча эса мамлакатимиз Президентининг **«ЎЗБЕКНАВО» ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»**ги Фармонини ўқиб «Баҳор»га қўнғироқ қилдим. Бирдан сезилди. Маъмура опанинг боши осмонда. Икки йил бурун айтган гапларини эслатдим. Юрагидаги катта ҳаяжонини яширолмади: **«Энди яхши бўлди. Битта мушт бўлиб бирлашганга не етсин. Бўлиниб, ўзимизча арава тортиш қаёқда-ю, мана бу умидли йўлдан юрган қаёқда».**

Ана шул соддагина ҳайрат замирида катта ҳақиқат ётганини барча бирдай англади. Чунки, сир эмас, пойтахтни қўяверинг, республикамизнинг қайси бир вилоятига борманг, у ерда ҳар хил, ўз билгаича фаолият кўрсатаётган гуруҳларни санаб саноғига етолмасдик. Энг ачинарлиси, иқтидорли ва умидли санъаткорлар қайси жамоа, қайси дастанинг чўнтаги бақувватроқ бўлса ўшанга ўтиб кетаверарди. Маданият ишлари вазирлиги эса ўз имкониятларидан тўлалигича фойдалана олмаётгани аксарият ҳолларда ўзибўларчилик кайфиятининг янада кучайиб кетишига шароит туғдириб қўйган эди. Энди-чи? Фармонда ойнадек равшан ёзиб қўйилган: **«Ўзбекнаво» бирлашмасининг фаолиятига бадиий-услубий раҳбарликни Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги амалга оширади».** Бу алоҳида таъкидга молик гап. Чунки мамлакатимиз мусиқа-рақс санъатини дунё олдидаги обрў-эътиборини, ўрнини ошириш ва кўрсатиш айнан шу вазирлик зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Шунингдек, Фармоннинг ҳар биримизнинг кўнглимизга алоҳида ғурур ва умид бағишлайдиган жиҳати, ўз мусиқа-рақс санъатимиз қадрини кўтаришга янада улканроқ имконият яратилганидир. Бу нафақат айнан шу соҳа вакиллари, балки ҳаммамизнинг зиммамизга катта вазифалар юклайди. Минг бора шукрки, неча асрлар тарихини елкасида кўтариб келаётган нодир мусиқа-рақс санъати учун энди ёруғ йўллар очилаётир.

Шу ўринда Фармонда кўрсатилган яна бир эътиборли омилни алоҳида таъкидлаш керак: **«Гастроль-концерт бирлашмаси, унинг корхона ва ташкилотлари давлат бюджетига ўтказиладиган давлат солиқларини тўлашдан 3 йил муддатга озод этилсин».** Мана сизга имконият, мана сизга рағбат. Энди ҳамма гап ишлашда, фидойилик кўрсатишда.

Фармонни қайта-қайта ўқийман. Шунда кўнглимдаги ҳамма иштибоҳ тарқаб кетгандай бўлди. Сўнг халқимизнинг суюкли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировга қўнғироқ қилиб **«Ассалому алайкум, мен редакцияданман, бугун...»** дейишим биланоқ, у киши сўзимни бўлади: **«Биламан, раҳмат, жудаям хайрли Фармон чиқди. Президентимиз биз, санъаткорларни ойдин йўлларга чорладилар. Бу энди, қандай таъриф айтайин, катта эътибор, катта муносабат, ўз навбатида бизлар ҳам бу улкан масъулият ва қарздорликни чин юракдан ҳис қилиб ишлашимиз керак».**

Ниятимиз: «Ўзбекнаво»нинг йўллари ойдин бўлсин!

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози»нинг шарҳловчиси.

Диққат, янги рукн:

Депутат минбари

Газетамизнинг бугунги сони 2-саҳифасида берилаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Олий Мажлис депутати Бўритош Шодиеванинг суҳбати билан «Депутат минбари» рукнини очдик. Таҳририят бундан буён мазкур рукн остида депутатлар фаолиятини мунтазам ёритиб боришни режалаштирди.

Муносабат

ШАФҚАТСИЗ ҲАҚИҚАТ

Тарих табиатида шафқат ҳам, шафқатсизлик ҳам етарли. Жаҳон айвонида бу шафқатга мушарраф бўлган халқлар оз эмас. Улар ўз мустақил давлатларининг тамал тошини қўйишга муяссар бўлганлар. Зеро, давлат халқнинг қўрғони, яъни қалқонидир. Халқимиз дунё саҳнида ўз муҳофаза қалъасини, ўз мустақил давлатини мустаҳкам қилиб яратди. Давлатимиз халқимизни, халқимиз давлатимизни ҳимоя қилишга қодир.

Тарихнинг шафқатсизлиги ҳам ҳақиқат. Тарих бириккита одам билан сон-саноқ қилмайди. Қилса, «улгуржи савдо» қиладиу. Унинг ҳукмига маҳкум бўлган салтанатлар, тиллар, дин ва эътиқодлар қанчалар мустаҳкам занжир ва тиканли симлар билан ўрабчирмалган бўлмасин, дейлик, собиқ СССР сингари кунпая-кун бўлиб, фақат солномалар саҳифаларидан, тарих сандиғидан жой олади. Жамият тадриж қонуниятининг ҳақиқати шундай. Бу қонуниятни зулму зўравонлик билан бузмоқчи бўлганларни тарих шафқатсиз жазолайди.

Халқимизнинг олтин одати бор. Зўрга зўрлигини билдиради, ожизга шафиқлигини изҳор этади. Яъни кучга қудрат, меҳрга муҳаббат билан жавоб қайтара оладди.

Шу маънода, Русия Давлат Думасининг мазмун моҳияти билан собиқ Совет Иттифоқини қайта тиклаш тўғрисидаги қарори нафақат мамлакатимиз аҳли, балки бутун дунё эрксевар халқларининг ҳақли норозилигига сабаб бўлди. Зеро, шоир айтганидек, «Қафасдан бўшалган ҳар қуш қайтиб ўзини солурму?!» Ҳа, истибдод тузуми «шундоқ қолмади», ўзгарди. Бироқ бу ўзгариш кимларгадир ёқмаяпти. Билиб-билмай эски қафасни қўмсаётганлар кимлар? Уларнинг кимлигини билиш учун яна тарихга, фактларга мурожаат этайлик. Чунки, тарих қатларида эҳтиросдан кўра ҳақиқат устундир. Ҳақиқат эса мана шундай сабоқ беради.

...2500 кишилик Черняев отряди билан 1500 кишилик Қўқон қўшинлари тўқнашуви натижасида қўқонликларнинг 307 нафари шаҳид бўлди, 390 нафари жароҳатланди. Халққа қирон келтирган солдат ва зобитларнинг анчаси Русиянинг олий даражали жанговар орден ва медалларига сазовор бўлдилар. Полковник Черняевга генерал-майор унвони берилди...

Русия оқ ва қизил империясининг сиёсати макр ва ҳийлага тўла эканига тарих шундоқ гувоҳлик беради:

Тошкентликлар уруш катта вайронагарчилик ва қурбонлар беришга айланиб кетаётганлиги ҳамда вазиятни ўнглаб бўлмасликни назарда тутиб, музокара бошлашга мажбўр бўлдилар. 1865 йил 17 июнда музокаралар бошланди. Черняев шаҳарнинг Ҳакимхўжа қозикалон, Абдулқосимхон эшон, домулла Солиҳбек охун сингари нуфузли кишилари билан суҳбат ўтказди. Натижада икки томон шартномага имзо чекди. Черняев ўз ҳаракатларини халқ олдида оқлаш учун Тошкентга қарор эди. Бу жойларни рус аскари уруш ва талаш билан қўлга киритди. Уруш тўсатдан, муҳлатсиз ва сўзсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри 42 кун давомида сувсиз, овқатсиз қолдирилди. Мулла Олимқул лашкарбоши шаҳид бўлганидан кейин қўшин сардорсиз қолди. Тошкент фуқаролари Ватан ва эътиқод учун қаттиқ туриб, урушталашни давом эттириб, сешанба куни ярим кеча ўтгандан кейин, саҳарга яқин рус аскарлари ҳиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан ўтиб кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб, пайшанба кунгача икки кечакундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, оч-ташна, сувсиз, яккама-якка уруш бўлиб, охирида ярашиш сулҳи тузилди».

Мавжуд ҳақиқий аҳволни Черняевга дадил ва тик боқиб айтган Солиҳбекнинг бу сўзи уни қутиртириб юборди. У ҳақиқий босқинчи башараси билан боқиб: «Эй бек, ким билан тортишяпсан, қўл қўй ҳужжатга, акс ҳолда кунингни кўрсатиб қўяман» — деб ғазаб билан ўшқирди. Солиҳбек охун эса, ажалим сенинг қўлингда бўлса, тайёрман, дея, имон-эътиқоди, халқи иродасига қарши бориб сохта ҳужжатга имзо чекмаслигини қатъий билдирди. Шу заҳоти Солиҳбек охун ва унинг тарафдорлари чор аскарлари томонидан ҳибсга олинади ва Сибирга сургун қилинади.

Чор истибдоди тарихида бунақа мисоллар жуда кўп. Бу босқинчиларнинг ҳақиқий башарасини фош этадиган фожеалар қизил империя даврида ҳам оз эмас, аксинча, кўп эди. Империянинг кечириб бўлмас жиноятлари унинг хотирага, эътиқод ва халқларнинг ватанига қилган тажовузидир. Рус — япон урушидан кейин, Узоқ Шарқни асл ватан билиб, қадим-қадимдан буён шу маконда истиқомат қилиб келаётган баъзи халқларнинг гуруҳлари Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудига мажбуран кўчиртирилди. Айрим Кавказ халқларининг ўз ватанидан мажбуран мосуво этилгани, яна Марказий Осиё ҳудуди, Ўзбекистонга жойлаштирилгани-чи? Бу билан «халқлар отаси» ишончига сазовор бўлолмаган бутун бир халқ «доҳий» ғазабига дучор бўлган бўлса, яна бир томондан, ҳар жиҳатдан бир-биридан узоқ ҳалқларни бир-бирига қўшиб, уларни аралаштириб юбориш, шу усул билан халқларни ўз тарихи, ватани, эътиқоди, урф-одат, миллий-қадрият ва маданиятидан айириш эди. Социалистик маданият деган сохта тушунча шунинг оқибатида пайдо бўлган эди. Мавжуд истибдод тузумининг ўзи «тарбиялаб вояга етказган» манқуртизм (Чингиз Айтматов) «социалистик маданият» деб жарангдор қилиб номланди.

Аслида, оқ империянинг ҳам, қизил империянинг ҳам миллати йўқ. Уларни тутиб турган нарса манфаат, халқлар устидан ҳукмронлик қилиш иштиёқи эди. Бу иштиёқ шунчалик зўрайиб кетдики, ундан рус халқининг ўзи ҳам азият чеккани йўқ. Ҳар хил тадбирлар, муносабатлар баҳонасида рус халқи вакиллари ҳам ўзларининг тарихий ватанлари ҳудудидан чет минтақаларга, ўлкаларга кўп миқдорда кўчирилган эди. Уларнинг кейинги тақдири билан эса империя ҳеч қачон қизиққан эмас.

Узоқ йиллар мобайнида мустаҳкамланиб келган истибдод ўз мавқеини бирдан қўлдан беришни истамайди. Ўзининг аввалги зўравонлигини сақлаб қолиш учун қурол, ҳукумат, мафкура кучидан, турли сиёсий ҳийла-найранглардан фойдаланиб кўришга уринади. Аммо зулмни зулм билан эмас, ақл-идрок билан енгиш мумкин. Халқимизда эса ҳар қандай империя тазйиқини енга оладиган салоҳият бор. Бунинг учун мамлакатимиз иқтисодий-табиий заҳиралари ҳам етарли. Қолаверса, халқнинг, давлатнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар бир халқ ҳам, ҳар бир давлат ҳам ўз тарихий ватани, асл макони ўрнида тенг ҳуқуқли, тенг нуфузга эга. Фақат, ижтимоий-сиёсий, табиий сабаблар туфайли уларнинг имкониятлари ҳар хил бўлиши мумкин. Олий халқ, олий давлат тушунчаси империячилик руҳидан бошқа нарса эмас. Аслида, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон АҚШ, Англия, Франция, Италия, жумладан Русия сингари ривожланган давлатлар билан ҳам, ҳатто дунё харитасига тушмаган кичик давлатлар билан ҳам тенг ҳуқуққа эга.

Табиийки, Давлат Думасининг бошқа давлатлар мустақиллигига раҳна солувчи қарори дунё ҳамжамияти олдида Русиянинг обрў-эътиборини кескин туширib юборди. Ўзбекистон эса ўзининг узоқ ва яқин қўшнилари ҳамжамият олдида катта нуфузга эга бўлишини истайди ва бундан манфаатдордир. Зотан, қўшни давлатларнинг тараққиёт даражаси, ривожланиш равонлиги мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётига ҳам таъсир этади. Чунки дунё халқларининг фаровонлиги давлатларнинг тинчлиги билан осойишта. Ва ана шу осойишталик билан бир бутундир. Бирор бир халқ ёки давлатнинг равон йўлига раҳна солишга уриниш бутун дунёнинг тинчини бузишга уринишдир. Гарчи, бир давлатда қабул қилинган қарор билан бошқа бир мустақил давлат тақдирига дахл этишни орзу қилиш кулгили бўлса-да, бу зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб олиш учун асос бўлади.

Ҳар хил ҳийла, фитналарга қарши ақл-идрок жавоби қандай бўлади? Биз кўп ўринларда бой, ёрқин, илм-фан, маданият юксак ривожланган ўтмишимиз билан фахрланишга қиниқиб қолганмиз. Бунга ҳақлимиз. Ўтмиш билан фахрланиш яхши, аммо унга маҳлиё бўлиб, ҳозирги замон тараққиётидан орқада қолиб бўлмайди. Мамлакатимиз келажаги буюклигининг кафолати — замонавий фан-техника ютуқларини ўзлаштиришдир. Ҳаммамиз ҳам ўзбек космонавтлари коинотни тадқиқ этадиган, энг замонавий самолётларимиз, поездларимиз, автомобилларимиз мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини дунё шаҳарлари билан боғловчи, энг замонавий товарларимиз дунё бозорларига чиқадиган кунлар тезроқ келишини интиқлик билан кутиб яшаяпмиз.

Бизнинг осойишталигимиз имконияти, дунё ҳамжамиятидаги тенглараро тенглигимиз имконияти, тараққиётимиз барқарорлиги, халқимизнинг ақл-идрок, илм-фан, тафаккур салоҳияти, шарқона маданиятимиз ва замонавий ривожланишимизнинг уйғунлиги имконияти, энг муҳими — мустақиллигимиз, дахлсизлигимиз имконияти — Русия Давлат Думасининг моҳиятан собиқ СССРни тиклаш ҳақидаги қарорига берадиган жавобимиздир.

Бизнинг йўлимиз — мустақиллик йўли. Биз бу йўлнинг тўғрилигига ишонамиз. Ҳеч нарса, ҳеч қачон бизни бу йўлдан қайтара олмайди.

МУҲАРРИР.

Шу сонга шошилинчномалар

Мамлакат Президентининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларида айтилган фикрларга тўла қўшиламиз. Айни пайтда Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари раҳбарлари шарманда бўлишдан қўрқиб, интеграцияни ўйлаб топишди. Бу билан, бир томондан, ўзларини афкор оммага ғамхўр қилиб кўрсатишга уринишаётган бўлса, иккинчи томондан, ўз муаммоларини бировлар ҳисобига ҳал этиш пайида бўлишмоқда. Бугун ҳеч кимга сир эмаски, кўпгина давлатларнинг раҳбарлари Ўзбекистон муваффақиятига, унинг йўлбошчисига ҳавас билан қарашмоқда. Мамлакатимиз халқи ва давлати ягона йўл — озодлик, эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотлар сари дадил бораверади.

Эргашали ҲАМИДОВ,
Бешариқ туманидаги Яккатут ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи.

***

Мамлакатимиздаги турли тоифадаги ишчи хизматчилар, олимлар собиқ Иттифоқни қайта тиклаш тўғрисидаги Россия Думаси қарорининг биз учун аҳамияти йўқ дейишмоқда. Жамоамиз аъзолари эса Дума қарорининг бир ёқлама эканлигини таъкидлашади. Эски тузумни қўмсаётган коммунистлар Россиядаги Президент сайловлари арафасида ўз таъсирини бошқаларга ўтказиш умидида хомтама бўлмоқдалар. Президентимиз айтганларидек, қафасдан чиққан қуш унга қайта кирмайди.

Бизга дахли бўлмаган Россия Давлат Думаси қарори ҳаммамизни зийрак тортишга ундайди. Узбекистоннинг ҳар бир фуқароси асрлар мобайнида орзу қилган мустақиллигимизни сақлаш учун бутун жонини фидо қилишга тайёр деб ўйлайман.

Р. ОТАЖОНОВ,
Дружба шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

Депутат минбари

УМРБОД ХАЛҚИМ ХИЗМАТИДА БЎЛАМАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолият кўрсата бошлаганига ҳам бир йилдан зиёд вақт ўтди. Бу давр парламент аъзолари учун мустақил давлат қонунчилик тизимини яратиш борасида қизғин фаолият палласи бўлди. Айни пайтда қилинган ишларга баҳо бериш, эртанги кунга назар ташлаш мавриди келди. Республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Бўритош ШОДИЕВА билан суҳбатимиз худди ана шу руҳда бошланди.

— Бўритош Аминовна, республикамиз парламентида фаолият бошлаганингизга ҳам мана бир йилдан ошди. Суҳбатимиз бошида шу ўтган даврда Олий Мажлисда қилинган ишларни қисқача таърифлаб бersангиз.

— Олий Мажлисдаги ишимнинг бошидаёқ Кенгаш қарори билан қўмиталарнинг ишига раҳбарлик қилиш борасидаги вазифалар Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари ўртасида тақсимлаб берилди. Хусусан, менга Бюджет, банк ва молия масалалари, Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, Матбуот ва ахборот қўмиталарининг ишига мутасаддилик қилиш топширилди.

Ўтган бир йил мобайнида Олий Мажлиснинг тўртта сессиясида қабул қилинган қонун ва қарорлар олдинга қўйилган вазифаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги амалий қадамлар бўлди десам муболаға бўлмайди. Қонунларни ишлаб чиқишдаги парламент фаолияти республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштиришга, ижтимоий жабҳага йўналтирилган, кўп укладли иқтисодиётга ва бозор муносабатларига ўтишни жадаллаштиришга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга, жамиятни маънавий янгилашга, давлатчиликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Бу борада Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги, «Концессиялар тўғрисида»ги қонунлар алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур қонунлар ҳамда Олий Мажлиснинг «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарори, бу жараёнга амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига қарашли ўрта ва йирик корхоналарни ҳам киритишни тезлаштирди, монопол ишлаб чиқариш ва хўжалик тузилмаларини майдалаштириш учун, рақобатли бозор муҳитини яратиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни вужудга келтирди. Шу мақсадда «Мулк тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларга ўзгартишлар киритилди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида қайд этилган қонунларнинг қабул қилиниши республика тақдири учун ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишга, хусусан ўрта мулкдорларнинг кўп сонли қатламини вужудга келтиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шу билан бир қаторда Олий Мажлис қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги, «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонунларга қўшимчалар киритилиши республикамизда пул-кредит тизимини, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, миллий валютамизни янада мустаҳкамлашга, иқтисодиётимизни юксалтиришга ҳамда халқимизнинг турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Парламентимизнинг ўтган даври мобайнида олиб борган иши ҳақида сўз юритар эканмиз, Олий Мажлис қўмиталари фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланган, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим деб ўйлайман. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар қўмиталаримиз учун қабул қилинган ҳужжатларнинг ижобий жиҳатларини ва қонунларнинг давлатимиз ҳаётида юз бераётган жўшқин ўзгартишларга монанд бўлишини таъминлашга, уларга вақтида тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишга катта ёрдам бериб келмоқда. Хусусан, ўтган йили Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси солиқлар ва банклар тўғрисидаги қонунларнинг талаблари Тошкент шаҳрида, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида қандай амалга оширилаётганлигини ўрганиш йўлида олиб борган иши эътиборга лойиқ. Олиб борилган иш натижалари ушбу қўмита мажлисида муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этишга оид таклиф ва мулоҳазалар тегишли ташкилотларга юборилди. Шу йўналишдаги ишлар Олий Мажлиснинг бошқа қўмиталари томонидан ҳам ўз режаларига асосан олиб борилмоқда.

Қонун лойиҳалари устида олиб борилган ишлар билан бир қаторда мен мунтазам равишда ўз сайловчиларим билан учрашиб Олий Мажлисда қилинаётган ишлар ҳақида ҳисобот бериб бормоқдаман. Хусусан, шу йилнинг март ойида ўз сайлов округимда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг меҳнаткашлари, олий ва ўрта махсус ўқув-юртларида таълим-тарбия олаётган ёшлар билан учрашувлар ўтказдим. Ҳар бир учрашувдан сўнг сайловчиларимни қизиқтирган масалалар бўйича алоҳида қабул қилиш менинг асосий иш услубларимдан бири бўлиб қолган.

— Олий Мажлисдаги Халқ демократик партияси фракцияси ҳақида нималар дея оласиз?

— Парламентимиз таркибида ХДП фракциясининг фаолияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Олий Мажлис сессиялари арафасида Халқ демократик партияси фракциясидаги депутатлар билан кун тартибига киритилган масалалар юзасидан биргаликда фикр-мулоҳазаларни алмашиш одат тусига кириб қолди. Фракциямиз аъзолари тўпланган вақтда кўп масалалар кичикроқ давраларда муҳокама қилиниб, депутатларнинг таклиф-мулоҳазаларини чуқурроқ ўрганишга шарт-шароит яратилмоқда. Бу Олий Мажлис сессияларининг унумли ўтишига ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Олий Мажлисда ташкил топган блок ва фракцияларнинг тузилишини парламентни учтўрт қисмга ёки гуруҳга бўлиш деб тушуниш керак эмас. Чунки нечта фракция, нечта партия бўлишидан қатъий назар олдимизда турган вазифаларимиз, олдимизга қўйган мақсадларимиз бир — халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишдир.

— Сиз нафақат давлат раҳбарларидан бирисиз, айни пайтда аёлларимиз вакиласисиз. Парламент фаолиятида хотин-қизлар ҳаётига доир масалалар хусусида ҳам гапириб бersангиз.

— Мен муҳокама қилинаётган ҳар бир масалага оналар кўзи, аёллар нигоҳи билан қарашга ҳаракат қиламан. Айни пайтда шуни мамнуният билан таъкидлашим мумкинки, мустақил Ўзбекистон Олий Мажлисининг илк бор қабул қилган Қонун ва қарорлари мазмун-мундарижасида халқ хўжалигининг турли тармоқларида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалалари билан бир қаторда оналар, умуман аёллар ҳаёти ва фаолияти, уларнинг ижтимоий фаоллиги, иқтисодий ва маънавий баркамоллиги сингари ўлчовлар ҳам ўз ўрнини топган. Хусусан Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясидаёқ Халқаро Меҳнат Ташкилотининг XXXV Бош Ассамблеясида қабул қилинган «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган «Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида»ги Конвенцияларга қўшилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш йўлида кўрсатилаётган бу эътиборни юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсатнинг маҳсули деб биламан. Шу ўринда, бугун Ўзбекистон хотин-қизлари ўзларига берилган имтиёз ва ҳақ-ҳуқуқлари бўйича кўплаб хорижий мамлакатларда яшаётган аёллардан анча устунрокдирлар десам муболаға бўлмайди. Мен бунга 1995 йилнинг август ойида Покистон Ислом Республикасининг пойтахти Исломободда уч кун давом этган, 36 мамлакат вакилалари қатнашган, мусулмон давлатлари халқаро хотин-қизлар Конгрессида иштирок этганимда яна бир бор ишонч ҳосил қилганман. Ушбу анжуманга ташриф буюрган турли мамлакат аёллари билан мулоқотда бўлган пайтимизда уларнинг юртларида жуда кўп муаммолар борлиги ҳақида, жумладан, аёллар ҳамон камситилаётганлиги, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш йўлида етарли даражада маблағ ажратилмаётганлиги, бир қатор мамлакатларда эса аёллар ҳуқуқлари бузилаётганлиги каби ҳолатларни эътироф этдилар. Ана шундай суҳбатлар чоғида биз Ўзбекистон хотин-қизлари вакилалари ғурурланиб ўтирдик, зеро анжуманда муҳокама қилинган бу масалаларнинг барчаси бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ўз ечимини топган: — хотин-қизлар давлат томонидан муҳофазаланган, оналик ва болалик саодати ҳам давлат зиммасида, тиббиёт, ўқув юрти хизматлари бепул ва ҳоказо. Бундан ташқари, республикамизда хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланиш учун нафақат республика, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари даражасида, балки республикамиздаги ҳар бир йирик корхона ва ташкилотлар доирасида ҳам тегишли лавозим ва вазифалар мавжудлиги оналар ва болаларга давлатимиз томонидан бўлган эътиборнинг ёрқин далолатидир.

— Шу йил 25 апрелда ўз ишини бошлайдиган Олий Мажлиснинг навбатдаги бешинчи сессиясига киритиладиган масалалар ҳақида қисқача гапириб бersангиз.

— Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеадир. Негаки, биз қонунлар чиқарган сайин ҳуқуқий давлат сари дадил қадам қўйиб борамиз. Хабарингиз бор, навбатдаги сессияда қайси масалалар кўриб чиқилиши назарда тутилаётганлиги матбуотда эълон қилинди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси»нинг иккинчи қисми, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ва давлатимиз сиёсатига доир, халқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган бошқа қонун лойиҳалари муҳокама қилинади.

Айни пайтда юқорида номлари қайд этилган қонун лойиҳалари устида Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталарида қизғин иш олиб борилмоқда. Ҳар бир қонун лойиҳасини тайёрлашда қўмита аъзоларидан ташқари, республикамизда кўзга кўринган олимларимиз, турли соҳа эгалари, вазирликлар ва бошқа ташкилотларнинг етакчи мутахассислари жалб этилиши, кўпчиликнинг фикр-мулоҳазалари чуқур ўрганиб борилиши қабул қилаётган қонунларимизнинг тобора пишиб, пухталашиб боришига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, мисол

тариқасида «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида айтадиган бўлсак, ушбу қонун лойиҳаси 1995 йилнинг 21—22 декабрида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Шундан сўнг қонун лойиҳаси «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларида чоп этилиб, халқимиз муҳокамасига қўйилди. Шу тариқа республикамизнинг ҳар хил жойларида истиқомат қилувчи турли соҳа эгаларига уларни чуқурроқ ўрганиш ва ўз таклифларини билдириш учун шароит яратилди. Ҳозирги кунда муҳокама вақтида келган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, замон талабига жавоб берадиган таклифларни инобатга олган ҳолда, қонун лойиҳасини янада токомиллаштириш бўйича иш олиб борилмоқда. Шунга ўхшаш ишлар бошқа қонунлар лойиҳаси устида ҳам олиб борилиши Олий Мажлис тажрибасида мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда.

Олий Мажлис сессиясига киритилажак қонун лойиҳалари устида иш олиб борилаётганда нафақат республикамиз мутахассислари, балки хорижий мамлакатлар мутахассислари, олимларининг ҳам фикр-мулоҳазалари, таклифлари инобатга олинади.

Шу борада куни кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Жаҳон банки мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган уч кунлик семинарни эслаб ўтсак тўғри бўлади, деб ўйлайман. Ушбу семинарда иқтисодий аҳамиятга молик бўлган бир қатор муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиб қолмасдан, балки ўта муҳим масалалар юзасидан кейинчалик ҳамкорликда ишлашга ҳам келишиб олинди. Семинарда бир қатор хорижий давлатларнинг етук мутахассислари чуқур мазмунга эга қизиқарли маърузалари билан чиқдилар.

Хуллас, галдаги сессия ҳам ислоҳотларимиз ривожида ҳал қилувчи марра бўлишига ишонаман.

— Суҳбатимиз бошида айтганингиздек, Сиз иқтисодиётга оид қўмиталар билан бир қаторда Матбуот ва ахборот қўмитасига ҳам мутасаддилик қилар экансиз. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари иши ҳақида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларингизни билдирсангиз?

— Оммавий ахборот воситалари иши ҳақида сўз юритар эканмиз, Президентимизнинг ўтган йил охирида оммавий ахборот воситалари ходимлари вакиллари билан учрашганларида сўзлаган нутқлари ҳамма учун дастуриламал бўлиб қолиши керак деб ўйлайман. Ушбу учрашувда Ислом Абдуғаниевич Каримов билдирган фикр-мулоҳазаларини ҳаётга татбиқ этишда мавсумий эмас, балки келажакни кўзлаган ҳолда иш олиб борилиши керак.

Шу билан бир қаторда қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтишни лозим деб топдим. Республикамизда чоп этилаётган кўплаб рўзнома ва ойномаларимиз асосан фактларни қайд қилиш билан чегараланиб қолмоқдалар, таҳлилий мазмунга эга материаллар, фикр-мулоҳазали мақолалар эса етарли эмас.

Хўш, матбуотимиз бугун қайси масалаларга эътиборни қаратиши керак? Ҳозирги мустақиллик шароитида ўзлигимизни қайтадан англашимиз учун ўтмиш аждодларимиз, ибратли анъаналаримиз ҳақида чуқур мазмунга эга мақолалар орқали ҳикоя қилиб борсак айни муддао бўлар эди, деб ўйлайман. Шу билан бир қаторда ҳозирги пайтда ҳаётимизда бўлаётган жўшқин ўзгаришларни, янги қабул қилинаётган қонун ва қарорларни муфассал шарҳлаб борсак, халқ онгига етказсак, бу оммавий ахборот воситалари ходимларининг мустақил Ўзбекистонимизнинг янада мустаҳкамланишига, халқимиз фаровонлигини янада оширишга, ҳур фикрловчи инсонни шакллантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси бўлар эди. Шу жиҳатдан «Ўзбекистон овози» муҳарририяти ҳам ўз ишини танқидий кўз билан яна бир бор қараб чиқиб, ҳозирги кўппартиявийлик шароитида замон руҳига мос, юртдошларимизни олға чорловчи чиқишларни кўпайтирса, бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нуфузини янада оширишга хизмат қилган бўлар эди.

— Оилавий ҳаётингиз ҳақида ҳам бир оғиз айтиб ўтсангиз...

— Мен Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида туғилганман. Оилам — менинг бахт кўрғоним: Турмуш ўртоғим тиббиёт ходими, жарроҳ. Икки ўғлимиз, бир қизимиз бор.

— Газетамиз муштарийларига яна нималарни айтишни истар эдингиз?

— Суҳбатимизни якунлар эканмиз, авваламбор «Ўзбекистон овози» газетаси муштарийларига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман. Айни пайтда ҳозирги кунларда долзарб масалага айланган Россия Давлат Думасининг ўйламай-нетмай қабул қилган қарори ҳақида мустақил Ўзбекистон фуқароси, халқ вакили, қолаверса, аёл, она сифатида ўз фикримни айтмоқчиман. Халқимизда «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади» деган нақл бор. Шундай экан, биз кимнингдир ҳийла-найрангларига берилиб, ўзимизни ўзимиз яна қандайдир «иттифоқ» кишанига боғлаб бермаймиз. Бизни улар энди ҳеч қандай ёлғон, «ширин» ваъдалар билан ўз тузоқларига илинтира олмайдилар. Мустақиллик бизга берган неъматларини бирма-бир айтиб ўтирмасдан битта мисол келтирсак, ўйлайманки, шунинг ўзи кифоя. Мустақилликка эришишимиз орқали аёлларимиз фарзандларини ҳарбий хизматни ўташ учун хорижий давлатларнинг аллақайси ўлкаларига юборaётганлари йўқ. Йигитларимиз Ватан олдидаги фахрли бурчларини ўзлари ўрганган муҳитда, иқлимда, она тилида гапириб, ўз она юртларининг тинчлигини қўриқлаб ўтамоқдалар. Қолаверса деҳқонларимиз ўз пешона терлари эвазига етиштирган мева-сабзавотлар, олтинга тенг бўлган оқ пахтамиз, халқимиз бойлиги, мамлакатимиз буюк келажагининг гарови ҳисобланмиш ерости бойликларимиз минглаб вагонларга ортиб «Марказ топшириғи» билан республикадан олиб чиқиб кетилаётгани йўқ. Ҳаммаси Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатлари туфайли халқимиз фаровонлигини янада яхшилаш, давлатимиз нуфузини тобора оширишга хизмат қилмоқда. Ва энг асосий бойлигимиз — халқимиз ҳар хил бўлар-бўлмас идеологиялардан қутулиб, эркин фикр юритмоқда ва ривож топмоқда. Биз боболаримизни эслаб ўз урф-одатларимизни тиклаш имкониятига эга бўлдик, бу эса эрта бўлмаса индинга, юртимизда яна Улуғбек ва Ал-Хоразмий, Беруний ва Абу Али ибн Синолар, Алишер Навоийлар вояга етишиб чиқишига шароит яратади деган умиддаман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош: «Ўзбекистон овози» муҳбири Шуҳрат ЖАББОРОВ.



Хива туманидаги Рўзмат Мадаминов номли жамоа хўжалиги миришкорлари чигит экишга катта ҳозирлик кўришмоқда. Далаларга ўғит чиқариш, ариқзовурларни тозалаш қизғин. Ҳадемай унумдор ерларга барака уруғи қадалади.

Суратларда: ариқлардан олинган унумдор тупроқ далаларга ёйилаётир ва илғор механизаторлардан Машариф Бекжонов, Матёз Муротов, Сафо Раматов ҳамда бригада бошлиғи Қадамбой Мадраҳимов, механизаторлардан Қуронбой Оллоберганов ва Мадрим Бекжоновлар.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

Мутолаа

МАЪНАВИЯТИМИЗ ЧИНОРЛАРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган кунданоқ қадриятларимизга бўлган эътиборни, маънавий камолотимиз ривожини ўзининг кечиктириб бўлмас адолатли вазифаси деб билди. Ахир бу қадриятлар неча йиллар давомида эскилик сарқитлари деб, улуғ аллomаларимиз фикри эса асоссиз равишда танқид қилиб келинди.

Президентимиз «Ватан тарихи ва маданиятини, жуғрофияси ва қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга», деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, маънавий ҳаёт, унинг мустаҳкам пойдеворлари ҳақида ўйлаш ҳозирги кундаги муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, маънавиятни юксалтириш учун аввало маданият тарихини чуқур билмоқ, идрок этмоқ зарур.

Маълумки, маданият икки — моддият ва маънавиятдан иборат тушунча ҳисобланади. Шу боис биз унинг асосан маънавият билан боғлиқ қисмига тўхталиб, ушбу иш ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллomалар — чинорлар фаолиятига эътиборни жалб қилмоқчимиз.

Ана шундай аллomаи замонлардан бири Аҳмад Югнакий эди. У VIII асрнинг иккинчи ярмида таваллуд топди. Ундан қолган маънавий мерос — «Ҳиббатул -Ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар туҳфаси») достони бошидан охиригача инсониятни илм олиш, адаб билан машғул бўлишга, эзгуликка, юксак инсоний фазилатларни эгаллашга чорлайди. Аҳмад Югнакий Мовароуннаҳр ва Хуросондаги туркий халқлар маданиятини ривожлантириб, тарих зарварақларида муносиб ном қолдирди.

Буюк чинорларимиздан яна бири Муҳаммад Имом Бухорийдир. Бу киши ҳадис илми ривожига улкан ҳисса қўшди. Қарийб 600 минг ҳадисни ёддан билган Имом Бухорийдан кўплаб илмий асарлар мерос қолиб, маънавий камолотимиз ривожига бебаҳо бойлик бўлиб қўшилди. Ундан машҳур «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» номли ҳадислар мажмуи бизгача етиб келган. Оллоҳ китобидан сўнг иккинчи ўринда турувчи мазкур асарни бутун ислом маънавий оламида юксак баҳолашади. Бухорий қобилиятига тасаннолар айтишади. Унинг ҳадисида адолат ва ҳақиқат, меҳр ва муҳаббат, тарбия ва таълим, ҳалоллик ва поклик ҳақидаги намуналарни учратамиз.

Абул Қосим Маҳмуд ибн Умараз — Замаҳшарий ҳам маданий ҳаётимизда қиёси йўқ аллomалардан эди. Диндор оилада таваллуд топган Маҳмуд — 1075 йил араб тили қонун-қоидалари, луғати лаҳжалар, мақоллар, урф-одатлар ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Унинг адабиёт, тафсир, ҳадис, фиқҳ илмларига тааллуқли асарлари эса янада қимматли. Аллomанинг «Ал Муфассал» деб номланган асари арабларнинг ўзида ҳам асосий қўлланма сифатида ўша даврдаёқ тан олинган. Шунингдек, «Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ит — танзийл ва уйун илақовийл фи вужуҳ ит — таъвийл» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш») номли Қуръони Карим тафсирига бағишланган асари маънавиятимиз чироқларини ёритиб юборди, десак ҳато қилмаймиз. Негаки, ҳатто ҳозир ҳам бутун оламга донғи кетган Ал-Азҳардек исломшунос доирилфунунда илми толибларга «Ал Кашшоф»дан Қуръони Карим сирлари ўргатилади.

Ҳадис илмини пухта ўрганиб, Қуръони Каримни ўз дастурилamали деб билган соҳиби илмлардан саналувчи буюк фиқҳшунослардан бири Бурҳонуддин ал-Марғинонийдир (XII аср). У ёшлигиданоқ ҳадис илмини изчил ўрганди. Унинг фиқҳга оид асарлари катта шуҳрат қозонди. Аллomанинг «Ал-Ҳидоя» асари мусулмон дунёсида маълуму машҳур бўлиб, энг мукаммал фиқҳ ҳуқуқшунослик ҳақидаги билимлар мажмуидир. Ундаги ибодат, никоҳ, вақф, олди-сотди, мерос, шариат илмлари ҳақидаги муҳим маълумотлар маънавият хазинасини бойитиш билан бирга ҳуқуқшунослик манбаларини яратишда ҳам катта асос вазифасини ўтамоқда.

XII асрнинг буюк намояндаларидан бири Хожа Аҳмад Яссавий ўзининг машҳур «Ҳикмати»да поклик, адолат, ҳаромдан ҳазар қилиб, одоб-ахлоқ, меҳнат туйғуларини улуғлаган. Инсоний камолот, комил инсон ғояси унинг асосий орзуларидан бири эди. У фоний дунёнинг ўткинчилиги, моддий ва маънавий нафс балосидан қутулиш йўллари, қўрқмас қалбдан узоқда бўлиш каби фикрларни ўз шеърларида баён қилади.

Маънавиятимизнинг асл чинорларидан яна бири Баҳоуддин Нақшбанддир. XIV асрда яшаб ўтган буюк бобокалонимиз Амир Темур ва у кишининг падари бузрукворига ҳам маънавий пир бўлган Сайид Мир Кулол Баҳоуддинга ҳам устодлик қилади.

Биз маънавиятимизнинг чинорлари деб ўзига хос Кубровия тариқатининг асосчиси, улуғ шайхлардан бири Нажмиддин Куброни, математик, астроном, географ Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад Фарғонийларни, қомусчи олим Абу-Райҳон Берунийни, файласуф Абу Наср Форобийни ва Маҳмуд Чағминийларни, тибда Абу Али ибн Сино ва Исмоил Журжонийларни, шоирлар Абу Абдуллоҳ Рудакий, Носир Хисрав, Юсуф Хос Ҳожибларни, турк тилининг асосчиси Маҳмуд Қошғарийни катта ҳурмат билан тилга оламиз. Улар яратган ва бизнинг даврларгача етиб келган асарлар билан фахрланамиз.

Кези келганда шуни айтишни лозим деб ўйлайман. Улуғларимиз, буюк донишмандларимиз неча асрлар давомида инсонни камол топтириш, юксалтириш ғамида бўлганлар, доно фикрлар айтиб, йўл-йўриқ кўрсатганлар. Бироқ биз уларнинг адабий-илмий меросини тўлалигича ўрганиш имконига эга эмасмиз. Чунки уларнинг кўплаб асарлари, форс, араб тилларидан таржима қилинмаган. Академияда домлаларимиз улар ҳақида маъруза ўқишяпти, таъриф этишади лекин манбалар жуда кам. Булар бизга амалиётда керак бўлади. Баъзан телевидение, радио ва газетада маълумотлар эшитамиз. Айримларининг юбилей тадбирлари ўтказиляпти. Бу нарсалар кўпинча ахборот ва мавсумига ўхшаб қоляпти.

Маҳаллий матбуотда айниқса, вилоят, туман газеталарида аллomаларнинг етук асарлари, улар ҳақида мақолалар, махсус саҳифалар чиқариш ўрнига ўзларининг шеърларини, даврдан ортда қолиб кетган ҳикояларини бериш билан чекланиляпти. Бу ҳам етмагандай маҳаллий босмаханалар орқали паст савиядаги китоблар ҳам босиляпти. Бу борада ҳукумат миқёсида матбуотда маданий меросни ўрганиш борасида бадиий кенгаш ёки жамоатчилик асосида назорат гуруҳи иш олиб борса яхши бўларди. Негаки, шу пайтгача ғарб мамлакатлари маданиятига ҳавас қилиб, тақлид қилиб келдик. Энди халқимиз Марказий Осиёнинг ҳам азалий маданияти, шарқона донишмандлиги, ахлоқий поклигининг улуғ намуналари борлигини билиб олсин ва ундан баҳраманд бўлсин.

Азамат ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

Тутуқват

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Ҳазрати Пайғамбаримиз буюрадилар: «Қуръон ўқингиз, чунки Қуръон қиёмат кунида ўқиганларга шафоатчилик қилади». Лекин мусулмончиликнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони Каримни ҳар ким ҳам мутолаа қилолмайди. Кўзи ожизлар эса инчунун. Зеро, ҳар нарсанинг шукри бор.

Ўзбекистон Республикаси кўзи ожизлар жамияти илтимосига кўра Миср Араб Республикасидан беш нусха махсус тайёрланган Қуръон китоби келтирилди. Уни Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Абдул Ғани Муҳаммад Абдул Ғани жаноблари Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раҳбарларига топширди. Ҳар бири олти жилддан иборат мазкур китобнинг республикамиз кўзи ожизларига туҳфа этилишида элчихонанинг фан ва таълим маркази раҳбари, профессор Одил Шиҳанинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

— Биз Оллоҳ китоби Қуръонни ўқишни, ўрганишни истаган кўзи ожиз ногиронлар кўнглига озгина таскин бера олсак мамнун бўлардик, — дейди Абдул Ғани Муҳаммад Абдул Ғани элчи жаноблари. — Иншоолloҳ, бундай кишилар орасидан ҳам катта олимлар, қорилар чиқиши шубҳасиз. Биз бу кўнгли ярим инсонлар учун ҳамиша ёрдамга шаймиз. Ахир айтишади-ку, эзгуликнинг кечи йўқ деб...

Умида ФАЙЗИЕВА.

Ислоҳот ва манфаат

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ДАРОМАД МАНБАИДИР

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Анвар РАСУЛЕВ билан суҳбат

— Анвар Ҳамидович, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш қандай зарурат туфайли юзага келди?

— Жорий йилнинг 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг йиғилишида юртбошимиз Ислом Каримов қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган туб янгиланишларнинг умумий мажмуида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида яшаётган ҳар бир давлат қимматли қоғозлар бозорини шакллантирмасдан олға бороллмайди. Қимматли қоғозлар бозори аллақачон умумжаҳон иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмига айланиб улгурди. Ривожланган хорижий мамлакатларда ушбу бозордан, бир томондан, давлат, корхона ва ташкилотлар, аҳоли ўзлари учун зарур бўлган молиявий маблағларни жалб қилсалар, иккинчи томондан, корхона, ташкилот ва аҳоли ўзларининг бўш турган пул маблағларини қимматли қоғозлар сотиб олишга йўналтириб фойда кўрадилар. Шу тажрибадан келиб чиқсак, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тизимини ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Илғор мамлакатлар тараққиётидан ортда қолмайлик десак, бизда ҳам қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш лозим.

— Қимматли қоғозлар бозори ва уни шакллантириш ҳақида тушунча берсангиз.

— Қимматли қоғозлар бозори деганда биз қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ташкилот ва корхоналар, аҳоли ҳамда давлат ташкилотлари ўртасидаги даромад кўришга қаратилган муносабатларни тушунамиз. Қимматли қоғозлар бозори мамлакатимизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнининг мантиқий давоми, иқтисодий ислоҳотларнинг юқорироқ босқичидир. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори шакланишининг асосий хусусияти шундаки, бу бозор давлат бозоридан чиққан ташкилотларнинг ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиши ва ўз акцияларини чиқариб, кенг миқёсдаги сармоядорлар ўртасида жойлаштириш натижасида шакллана бошлади. Оқибатда ушбу жараённи амалга ошириш учун лозим бўлган корхона ва ташкилотлар, давлат органлари пайдо бўлмоқда. Хусусан, хусусийлаштириш натижасида ташкил топган ҳиссадорлик жамиятлари ўз акцияларини чиқара бошлаганларидан сўнг уларни жойлаштириш, чоп этиш, сақлаш, ҳисоб-китоб қилиш, бошқариш ва назорат қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозори инфраструктураси ташкил этилмоқда. Булар жумласига фонд биржаси, брокерлик идоралари, депозитарийлар, инвестиция компаниялари ва фондлари ҳамда махсус давлат ташкилотлари киради.



Қимматли қоғозлар бозори шакланишида муҳим омил — бу давлат қимматли қоғозларини чиқаришдир. Ҳозирги кунда бу йўналишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат қисқа муддатли облигацияларини биринчи чиқарилуви амалга оширилиб, 700 миллион сўмдан ортиқ бу турдаги облигациялар ташкилот ва корхоналар, банк муассасалари ўртасида жойлаштирилди. Аҳоли ўртасида жойлаштириладиган облигациялар чиқариш ҳам мўлжалланмоқда.

— Қимматли қоғозларнинг қандай турлари мавжуд?

— Жаҳон тажрибасида қимматли қоғозларнинг бир неча тури мавжуд бўлса-да, улар ўзгармайдиган эмас. Давр ва ижтимоий тузум ўзгариши баробарида қимматли қоғозлар ҳам, уларнинг муомала доираси ҳам такомиллашиб, янгиланиб боради. Аммо бизда ҳозирча қимматли қоғозларнинг асосан уч тури — акциялар, облигациялар ҳамда векселлар амалда кўпроқ қўлланилмоқда.

Акция шундай турдаги қимматли қоғозки, уни сотиб олган кишига ушбу акцияни чиқарган ташкилот мулкининг бир қисмига эгалик қилишга, ташкилот фаолиятини бошқаришга қатнашишга ҳамда ташкилот фойдасининг тегишли қисмини дивиденд ҳисобида олишга ҳуқуқ беради. Акция муддати белгиланмайдиган қимматли қоғоздир. Ушбу акцияни чиқарган ҳиссадорлик жамияти қанча вақт фаолият кўрсатса, акциядор шунча вақт акцияга эгалик қилишга ва тегишли даромад кўришга ҳақлидир. Ҳиссадорлик жамияти акция сотишдан тушган маблағни корхонани ривожлантиришга, ишчи ходимларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, янги техника ва лойиҳалар сотиб олишга йўналтиради. Акциялар корхоналар тараққиёти учун маблағ жалб этиш усулигина бўлиб қолмай, уларни сотиб олган ҳиссадорларнинг даромад кўриш манбаи ҳамдир. Масалан, мамлакатимизда шу кунгача 4 мингдан ортиқ хусусийлаштириш натижасида ташкил топган ҳиссадорлик жамиятлари 12 миллиард сўмлик акцияларни бозорга чиқарганлар. Бу қимматли қоғозлар бозорида акциялар олди-сотдисини амалга ошириб, даромад кўриш учун яратилган шароитнинг, янги турдаги манбанинг етарли даражада эканлигидан далолатдир.

Қимматли қоғозларнинг яна бир тури облигациялардир.

Облигациялар — бу қарз мажбуриятларидир, яъни ташкилот ва аҳолининг пул маблағларини маълум муддатга тегишли фоиз миқдоридаги даромад тўлаш шарти билан вақтинча қарзга олиб туришдир. Облигацияларнинг асосан икки тури мавжуд. Биринчиси — давлат томонидан чиқариладиган облигациялардир. Бундай облигациялардан фойда тўлашни давлатнинг ўзи кафолатлайди. Давлат облигацияларидан олинган фойда солиққа тортилмайди. Иккинчиси — корхоналарнинг облигацияларидир. Бу облигациялардан фойда олишнинг кафолати корхонанинг самарали ишлашидир.

— Анвар Ҳамидович, аҳоли акциялар бозорига қандай қилиб жалб қилинади?

— Жаҳон тажрибасида бунинг бир неча йўллари бор. Масалан, Олмонияда аҳоли акцияларга банкжиҳатдан оммавий ахборот воситалари бажаради. Чунки, қимматли қоғозлар бозори етарли ахборот бўлмаса ривожланмайди. Одамлар унга ишонишлари, ўзлари учун янгилик бўлган қимматли қоғозлар бозорини тушуниб олишлари, бу ҳақдаги тўла-тўкис ахборотга эга бўлишлари зарур.

— Анвар Ҳамидович, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш борасидаги ўз мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Менинг фикримча, ҳозирги кун назари билан қараганда, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

— хусусийлаштириш натижасида ташкил топган ҳиссадорлик жамиятларининг молиявий аҳволини яхшилаш учун улар чиқарган акцияларни сармоядорлар орасида кенг сотилишини таъминлаш учун хусусийлаштириш жараёнини, ундан тушаётган маблағларнинг ишлатилиши ҳамда акцияларни сотиш механизмини такомиллаштириш лозим;

— «Тошкент» фонд биржаси фаолиятини нафақат акцияларни олди-сотдини ташкил қилишга, балки биржада ўз акцияларини сотаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини назорат қилиш, бу ҳақда кенг сармоядорга ахборот ва маълумот бериб туришга ҳам йўналтириш;

— хусусийлаштириш натижасида ташкил топган ҳиссадорлик жамиятларининг акцияларини биржадан ташқари бозорда кенг миқёсда олди-сотдисини амалга ошириш;

— биржадан ташқари бозор қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, назорат қилиш, тегишли ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз-ўзини бошқариш бирлашмалари, ассоциацияларини тузиш;

— қимматли қоғозлар бозорини хорижий сармоядорларни кенг жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар олди-сотдисидан тушган маблағларни хорижга олиб чиқиб кетишда сармоядорларга сўмни қаттиқ валютага эркин конвертация қилиш механизмини жорий қилиш;

— қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш учун қимматли қоғоз чиқарувчи ва сармоядорларга тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилотларни кенг миқёсда ташкил этиш, бунинг учун тегишли қонуний ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, хусусан, аудиторлик, мулкни баҳолаш, рейтингини аниқлаш, таҳлил қилиш, консультация хизмати кўрсатиш, траст операцияларини бажариш ва шунга ўхшаш фаолиятларни бажариш учун;

— қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш, фирибгарлик ва нотўғри маълумот бериш йўли билан қимматли қоғозлар бозорида даромад кўрмоқчи бўлган ташкилотлар ва шахсларга қарши курашиш мақсадида махсус давлат бошқарув органларига молиявий жарима солиш, маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқларини бериш;

— республика ташкилот ва корхоналарининг қимматли қоғозларини хорижий фонд бозорларида олди-сотдисини амалга ошириш ва хорижий сармояларини жалб қилиш учун Ўзбекистон ҳудудида ва чет элларда хорижий сармоядорлар билан биргаликда қўшма инвестиция фондлари ва комплекслари ташкил қилиш;

— қимматли қоғозлар бозорига тижорат бозорини жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

— аҳоли орасида жойлаштириш учун юқори даромад берувчи давлат қимматли қоғозларини чиқариш.

Ўйлаймизки, юқорида қайд этилган тадбирларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ қилинса, қимматли қоғозлар бозори ривожланишига ва бунинг натижасида кенг халқ оммаси ва корхона-ташкилотларни даромад кўришнинг янги манбаидан самарали фойдаланишга эришиш мумкин.

Суҳбатдош: Салим АШУР,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧАРХПАЛАК

ВЕНА шаҳрида атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (Магатэ) ташаббуси билан Чернобиль атом электр станциясида рўй берган фожеанинг ўн йиллигига бағишланган халқаро конференция иш бошлади. Анжуман иштирокчилари дунёдаги мавжуд АЭСларнинг фаолиятини, уларнинг атроф муҳитга келтираётган зарари ва у билан боғлиқ бошқа муаммоларни муҳокама этадилар.

Магатэ маълумотларига кўра, айни пайтда жаҳондаги 30 мамлакатда 230 та АЭС мавжуд. Мазкур АЭСлар дунёда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 17 фоизини ташкил этади.

***

ЯПОНИЯНИНГ Ти-Би-Эс телекомпанияси президенти Хиродзо Исодзаки телекомпания ходимларининг «Аум синрикио» диний мазҳаби аъзоларига муҳим видеоматериалларни яширинча кўрсатгани учун истеъфо берди. Шунингдек, у ходимларининг ушбу мазҳаб вакиллари билан «шубҳали алоқа» ўрнатганига эътиборсизлик билан қараганини тан олди.

63 ёшли Хиродзо Исодзаки 1991 йил октябрь ойида телекомпанияга президент этиб сайланган эди. Шуниси аҳамиятлики, телекомпаниянинг аввалги президенти ҳам жанжал туфайли истеъфо берган.

***

ЮГОСЛАВИЯ Македония Республикасини тан олиши билан нафақат собиқ Югославия ҳудудидаги, балки, Жанубий Европадаги барқарорликка ҳисса қўшади, деди Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел Боннда берган баёнотида. «Шу билан бирга, Югославиянинг ушбу ҳаракати жаҳон интеграцияси сари сезиларли қадам ташлаган иш бўлур эди», дея таъкидлади мазкур мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари.

***

ТУРКИЯНИНГ Эгей денгизидаги Греция оролига даъвоси икки мамлакат ўртасида уруш келтириб чиқариши мумкин, деди Греция Бош вазири Константинос Симитис АҚШга сафари чоғида. У январь ойида Туркия билан Греция ўртасида юз берган ҳудудий можарога тўхталар экан, «биз урушни хоҳламаймиз, ўйлашимча, ҳеч ким урушни хоҳламайди, бироқ, бу биз уруша олмаймиз дегани эмас», деди.

Ўтган ой Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Вашингтонга ташрифи чоғида Грецияни ҳеч қандай шартларсиз музокаралар бошлашга чақирган эди. Лекин, К. Симитис Туркиянинг ушбу таклифини эътиборсиз қолдирди.

***

НЕПАЛ пойтахти Катмандуда Бутан ва Непал ҳукуматлари ўртасида бутанлик қочқинлар муаммоси бўйича музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда сезиларли натижага эришилмади, деб маълум қилди Непал маъмуриятининг расмий вакили. Унинг айтишича, музокараларда Непал ҳудудидаги 8 та лагерга жойлаштирилган 100 минг нафарга яқин бутанлик қочқинларни ватанига қайтариш масаласи муҳокама этилди.

Икки мамлакат расмий доиралари аввал ҳам ушбу масалада бир неча бор музокара ўтказган. Бироқ музокаралар ҳар гал охирига етмай, уни давом эттириш учун янги муддат белгиланар эди. Непал ташқи ишлар вазирлигининг расмий баёнотида, бутанлик қочқинлар Осиёда энг қашшоқ давлат ҳисобланган Непал учун қўшимча иқтисодий қийинчиликлар келтириб чиқараётганини таъкидлашган.

***

«ЛИТВА ва қолган икки Болтиқбўйи давлати НАТОга аъзоликка энг ишончли номзоддир», деди Литва Президенти Альгирдас Бразаускас Болгарияда чиқадиган «Континент» газетаси мухбири саволларига жавоб берар экан. «НАТОнинг кенгайиши шубҳасиз, бироқ ушбу жараён Брюссель билан Москва ўртасида бўладиган муносабатларга ҳам боғлиқ», дея таъкидлади у. Литва давлат раҳбари Россия Давлат Думасининг Беловеж битимига нисбатан қабул қилган қарорига муносабат билдириб, ушбу қарорнинг Литва учун ҳеч қандай алоқаси йўқлигини таъкидлади.

***

МЎҒИЛИСТОН демократик уйғониш партияси билан Мўғилистон халқ партияси йўлбошчилари «демократик ҳокимият» коалициясини ташкил этиш ҳақидаги ҳужжатни имзоладилар. Энди «демократик ҳокимият» коалициясининг июнь ойида мамлакатда бўлиб ўтадиган парламент сайловида учинчи сиёсий куч бўлиб иштирок этади, дейилади хабарда.

***

КОЛУМБИЯДА ҳаракат қилаётган исёнчилар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида тўқнашув бўлди. Натижада 19 киши ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар жароҳатланди. Яқинда исёнчилар мамлакатнинг бир қанча туманларида террорчилик ҳаракатларини амалга оширдилар. Улар аскарлар казармасига тўсатдан ҳужум уюштирган, бир нечта кўприк ва телефон станцияларини портлатган. Натижада 12 та шаҳарда телефон алоқаси узилиб қолган. Шунингдек, исёнчилар икки газ қувурини ҳам портлатган, 15 автобус ва ўнлаб автомобилларни ёқиб юборган.

Норвегия

УЙ БЕКАЛИГИДАН БЕЗИШГАНМИШ

Изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Уй бекаси бўлиш, рўзғор ишлари, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш бизнинг шарқ аёлларига ҳузур бағишлайди. Бу оддий турмуш тарзимиз ҳисобланади. Лекин ҳамма аёллар ҳам бундай фикрда эмас-да.

Норвегиядаги аёллар эса бу масалага сал бошқачароқ муносабатда бўлишади. Сабаби улар бекаликни ҳаётдан сал бўлса-да, орқада қолиш, жамиятда ўз ўрнини «йўқотиб» қўйиш, тараққий этган мамлакатнинг замонавий аёлига мос эмас, деб билишади. Уй бекаларини замонавий «ишчи» аёлларга нисбатан тор доирада фикрловчи шахс деб қарашади.

Бугунги норвегиялик аёлларнинг 97 фоизи оилали хотинлар уй бекаликдан безишган. Уларнинг бари жамиятнинг «фаол»ларидан, яъни иш билан банд аёллардир.

Гондурас

ЧЎНТАК ТАРОҒИ «СОВУҚ ҚУРОЛ»МИ?

Сан-Эстебан. Ҳа, оддийгина чўнтак тароғи ҳам «совуқ қурол» бўлиши мумкин экан. Эркакларнинг ўзаро муштлашувига 90 фоиз ҳолатда аёллар сабабчи бўлишаркан.

Гондураслик хонимлар ҳам бундан ҳоли эмас-да. Гектор Вальдес ва Хуан Антонио «Ла-Фонда» клубининг эркаклар хонасидаги тошойнасига қараб ўзларига оро бера туриб, тортишиб, баҳслашиб қолишди. Маҳаллий хонимлар орасида кимнинг «нуфузи» устун?

Албатта, ҳеч қайси эркак бундай пайтда асло ғурурини топтаб, ён бермайди. Орадаги муштлашув туфайли Антонио оламдан бевақт кўз юмди. Вальдес эса қаттиқ тан жароҳати олди. Биласизми, газабланган Вальдес оддий чўнтак тароғи билан рақибининг вена қон томирини қирқиб юборган экан...

Бундай кўнгилсиз воқеани рағбатлаб бўлмайди, албатта. Лекин гондураслик эркаклар «ўз нуфузлари» учун ҳатто шундай бемаъни ўлимдан ҳам қайтишмаяпти, чоғи.

Италия

ҲАЗИЛ – ЗИЛГА АЙЛАНДИ

Рим. Уч нафар ўсмир йигитча қарияга ҳазил қилишмоқчи бўлишди. Қария уйқудан уйғониб дафъатан кароватда ёнида ётган «жасад»ни кўриб қаттиқ қўрқиб кетди. Натижада зўр ҳаяжонни кўтаролмаган юрак хуружи юз берди. У жон таслим қилди.

Ҳозирда «ҳазилкаш» ўсмирлар ноўрин ҳазилларига яраша жазо олиши кутиляпти. Уларни ҳатто олий жазога маҳкум қилишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Миср

ҚУЁШ РАМЗЕС II ЧЕҲРАСИНИ ЁРИТГАН КУН

Ҳар йили қуёш икки мартагина 20 минут давомида Абу Сумбул сайёҳлар шаҳарчасидаги шоҳ Рамзес II ҳайкалининг чеҳрасини ёритиб ўтади.

Бундай ноёб ҳодиса дунёдаги барча давлат сайёҳларининг ушбу кун бу ерга оқиб келишига сабаб бўлади. Улар Мисрнинг Асвон шаҳри жанубида жойлашган Абу Сумбул сайёҳлар шаҳарчасидаги Рамзес II ибодатхонасидаги авлиё «Ил-Ақдас» мажмуаси таркибидаги Рамзес II чеҳрасини қуёш эрталаб олтидан 15 дақиқа ўтганидан бошлаб, 20 минут давомида ёритиб ўтиши мўъжизасининг гувоҳи бўладилар.

Бу йил мазкур ғаройиб ҳодиса февраль ойининг 22 куни, жумага тўғри келди. Иккинчи бор қуёш бу ҳайкал юзига шу йил 22 октябрь куни тушади. Бу ноёб ҳодисанинг боиси «Ал-Ақдас» мажмуасидаги Рамзес II ҳайкали ўта аниқ астрономик ҳисоб-китоб асосида бунёд этилган бўлиб, қуёш унинг юзига биринчи бор у туғилган кунда тушса, иккинчи бор у Миср тахтига ўтирган куни тушади.

Англия

«КОИНОТГА САЁҲАТ» ҚУРБОНИ

Стаффордшир. Дам олиш аттракционида ўйин давом этаётган пайтда парк хизматчиси Элтон Тауэрс томошани тўхтатишга мажбур бўлди. Чунки 30 яшарлик навқирон йигит аттракцион томошадан сўнг тусатдан йиқилди ва жон берди.

Полиция жасаднинг шахсини аниқлай олмади. Унинг ўлимига — «Немезис» дам олиш аттракционининг «Коинотга саёҳат» ёки «Дузахни кўришни истайсизми» деб аталувчи қисмидаги 90 минутлик «саёҳат» сабаб бўлганмиш.

Дам олувчилар 90 дақиқа давомида коинотдагидек осмонда муаллақ «осилиб» қолишади, хавфли қоя четига келиб жарга «қулаш»лари мумкин, гравитацион тортишиш кучи 4 баравар ошади, зимзиё қўрқинчли ғор йўлқасидан ўтилади...

Ҳа, бундай «саёҳат»га ҳамманинг ҳам юраги дош бериши қийин. Мутахассис врачлар «марҳумнинг юраги бундай даҳшатли қўрқувга дош беролмаган», деб ташхис қўйишибди.

Болгария

ЙЎЛОВЧИЛАР «МАЪШУҚ» ЙИГИТДАН ҒАЗАБЛАНИШДИ

София. Георгий Моллов устидан автотранспорт корхонаси бошлиғига шикоятчилар келди. Қизиғи, бир автобус йўловчилар баробарига бошлиққа ҳайдовчи устидан арз қилишди. Бунақаси камдан кам бўлади-да.

Георгий эндигина 33 баҳорни қаршилади. У навбатдаги йўналиш бўйича манзилга чиқди, одам тирбанд автобусни кўп қаватли уйлардан бирининг қаршисида таққа тўхтатди.

«Бир зумда чиқаман» деди-ю, йўлакка кириб кетди. Шу кетганича дом-дараксиз кетди. Диққинафас автобус салонида йўловчилар уч соат бетоқатлик билан кутишди. Тоқати тоқ бўлган ёши улуғроқ йўловчи аёлнинг юраги ҳатто безовта бўлиб, аҳволи ёмонлашди. Ҳайдовчидан эса дарак бўлмади.

— Ҳозир келаман деганига ишониб ана келар-мана келар деб кутиб ўтиравердик-да, — дейди «жабрланувчи» йўловчилардан бири зорланиб.

Ҳайдовчининг иқрорига қараганда бу уйда унинг маъшуқаси яшаркан...

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

• Венгриянинг Руминиядан олдин НАТОга қабул қилиниши бу икки давлат ўртасида қуролланиш пойгасини кескин кучайтиради, деди Руминия миллий мудофаа вазири Георг Тинка. Айни пайтда икки давлат ўртасидаги муносабатларда сиёсий беқарорлик кузатилмоқда. Георг Тинка Бухарест ва Будапешт ўртасида сиёсий шартнома имзоланиши юзасидан бошланган ишларни ниҳоясига етказиш лозимлигини таъкидлади.

***

• Франциянинг Дижон шаҳридаги қамоқхонада маҳбуслар қўзғолон кўтарди. Қўзғолончилар соқчиларни қуролсизлантириб, улардан камера калитларини тортиб олишга муваффақ бўлган, маҳбусларнинг махсус режаси ҳам, сиёсий талаблари ҳам бўлмаган. Қамоқхона маъмуриятининг қўзғолончилар билан олиб борган музокаралари фойда бермагач, 200 жандармдан иборат ҳарбий бўлинма қўзғолонни бостириш учун жалб этилди. Бу тадбир ҳеч бир тўқнашувсиз амалга оширилган бўлсада, рўй берган ёнғин туфайли маҳбуслардан 5 нафари ҳалок бўлди.

***

• Расмий ташриф билан Покистонга келган АҚШ сенатининг ташқи ишлар қўмитаси аъзоси Хэнк Браун Исломободда Покистон Бош вазири Беназир Бхутто билан учрашиб, 368 миллион долларлик қурол-яроғ 4-6 ҳафта ичида Покистон ҳарбий қароргоҳларига етиб келишини маълум қилди.

Келтириладиган қурол-аслаҳалар орасида ўта замонавий қуролларни ташишга мослашган 3 та самолёт ҳам бор.

Мексика

РОҲИБАЛАРНИ БЕҲАЁЛИКДА АЙБЛАШДИ

Муқаддас Мария черковининг олти нафар роҳибаси ишдан бўшатилди. Қайси дин, мазҳабидан қатъи назар, руҳонийлар энг тақводор инсон тимсолидир. Тақводорлик худо йўлига фидойилик. Бунга қанчалик руҳан тайёр бўлса-да, барибир улар ҳам инсон, оддийгина инсоний истакни тарк этолмайди-да, баъзида. Черков роҳибаларининг кўнглида пайдо бўлган истак ҳам шундан бўлса керак.

Черковнинг орқаси, боғ четидаги хилват ғуша кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланганди. Табиатнинг гўзаллиги ҳар қандай кўнгилда ажиб истак уйготиши ҳам табиий-ку. Шундан бўлса керак олти нафар роҳиба яланг оёқ майса устида ҳузур қилиб юришга, офтоб нуридан баҳра олиб «қорайишга» мойиллик сезишди ўзларида. Улар атиги 10 дақиқагина очиқ-сочиқ оёқларини офтобда тоблашмоқчи эди, холос.

Тўсатдан епископ-роҳиб Энрике Сокерс келиб қолди. У шахсий автомашинасидан туша солиб, дарғазаблик билан роҳибаларни беҳаёликда айблаб, қойишга тушди.

Епископ бу билан қаноатланмади: олти нафар роҳибани ишдан ҳайдашга қарор қилди. Ишдан кетиш улар учун унчалар қайғули эмасди. Фақат католик черковида ишлаш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилиши аянчли, албатта.

Роҳибалар эса ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органларига мурожаат этишдан ўзларини ҳозирча тийиб туришибди.

МУЛОҲАЗА

ҚОБУЛ ЭМАС, КОБУЛ

ЁКИ ТИЛИМИЗДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН АЙРИМ СЎЗЛАР ХУСУСИДА

Устоз Абдулла Қаҳҳор 1965 йил Низомий номидаги педагогика институти студентлари билан бўлган учрашувда тил ҳақида гапириб, жумладан шундай деган эдилар: «...жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ... Афсуски, радиомиз кўпинча халқ билан мана шу бой, чиройли пурқудрат тилда гаплашолмайди. Одамларики бор, бисотидаги бир ҳовуч сўзни айлантириб, ойлигини олаверади...»

У замонлар ҳам ҳали ҳолва экан. Ҳозир радио ва ойнаи жаҳонга қулоқ солиб, беихтиёр ёқангни ушлайсан. Етти ухлаб тушингга кирмаган сўзларни эшитиб қоласан. Тилимиз нега бундай ҳолатга тушди, дейдиган одам йўқ.

Масалан, «Ҳамдўстлик» деган сўзни олинг. Ҳар бир сўзнинг «ёшу қари», «дўсту душман», «катта-ю кичик» каби муродифи бўлади. Демак, «Ҳамдўстлик»нинг муродифи «ҳамдушманлик» бўлар экан-да? Ҳеч ким шу қабилда сўзни эшитганми? Бу сохта сўз. Мана араблар «муштаракул манофеъ» дейишади. Биз «манфаати муштарак» десак бўлмайдими? Аслини олсак, бизнинг фақат манфаатимиз муштарак, холос, бошқа муштараклигимиз йўқ.

«Кўчмас мулк» ҳам тилимизга кириб қолди. Фалон молу мулкни ким ошди савдосига қўйилди, десак бўлмас эканми?

Биз 70 йил давомида ўзимизни, ўзлигимизни унутаёздик. Мана, бугун юртимизда Наврўз нафаси кезяпти. Бироқ ҳеч ким Наврўз янги йил эканини билмайдими? Наврўз нима? — деб сўрасангиз, «баҳор байрами» деб жавоб беради. Наврўз янги йил, янги кун демакдир. Бизнинг янги йилимиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо Салоллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларидан бошланади. Шунинг учун ҳижрий йил дейилади. Ўтган 1374 ҳижрий йил бўлса, бу йил 1375 ҳижрий йили бўлади. Бизнинг янги йилимиз ўрисларнинг янги йилидан 620 йил фарқ қилади. Баъзилар Исо Масиҳнинг туғилганини ҳам билишмайди, «рождество» деб қўя қолишади. Ваҳоланки, «рождество» «мавлуд» демакдир. Ўзбекларда мавлудлик қилмайдиган хонадон йўқ. Лекин нима учун мавлудлик қилаётганликларини афсуски, ўзлари билишмайди. «Мавлуд» арабча бўлиб «тавлид» таваллуд деган бир феъилдан олинган. «Мавлуд» фақат Исо Масиҳнинг таваллуд топган кунига ишлатилади. Сизу бизнинг туғилган кунимиз «мавлуд» бўлолмайди.

Кейинги пайтларда тожикча «ҳиссадорлик»ни ишлатадиган бўлдик. Ўзимизда «шерикчилик» деган атама турган жойда бошқа тилдан олишга нима зарурат бор?

Яна такроран айтаман, исму фамилия ўрнига «исми шариф» дейиш урф бўлиб қолди. «Исми шариф» дегани «шарафли номингиз» деган маънони англатади. Масалан, бир мўътабар зотга рўбарў келиб қолдингиз. «Отингиз нима» деб сўрашингиз одобга тўғри келмайди. Шунда «исми шарифлари нима?» деб сўрашингиз мумкин. Яқинда ойнаи жаҳонда бизнинг посбонларимиз — милиция ходимларидан бири «Ҳозирча ўғриларнинг исми-шарифларини айтмаймиз» деди. У қанақа ўғри эканки номи шарафли бўлса! Ахир машойиқлар ҳар бир суханнинг ўз ўрни, ҳар бир нуқтанинг ўз макони бор, деб бежиз айтмаганлар. Бу сўзларни эшитиб ҳам кулгинг келади, ҳам ёқангни ушлайсан.

Яна бир кулгили воқеа: аксар таклифномаларда «Лутфан сизни таклиф этамиз» деб ёзамиз. Бунинг одобсизлик эканига ўша одамларнинг ҳам фаҳму фаросати етмайди. «Лутфан таклиф этаман» дегани, «Сиз таклиф қилишга арзимайсиз-у, аммо мен лутф қилиб сизни чақиряпман» деган маънони англатади.

Қадимул айёмдан ўз тилимизда «айрибошлаш» деган атама бўлатуриб, биз «бартер»ни ишлатамиз. «Фалон дўкондор синди ёки фалон бой синди» дейиш ўрнига биз фалончи банкрот бўлди деймиз. Эй биродарлар, дўппини бундай олиб, бир мулоҳаза қилиб кўрсак нима бўлар эқан?

Кун сайин янги иборалар чиқяпти. Масалан «нодавлат мулклар». Нега «давлат тасарруфига кирмайдиган мулқлар» демаймиз?

Қулоқ солинг: «Фалончининг машинасидан совуқ қурол топилди». Ахир қуролнинг иссиғу совуғи ҳам бўладими? Афғонистоннинг пойтахти «Кобул»ни «Қобул» дейдилар. Ҳамма рус тилидаги «К» ҳарфи ўзбекчасига «Қ» бўлмайди.

Мана мустақиллигимизга, худога шукр, беш йил бўляпти. Келинглар, ўз она тилимизга эътибор қилайлик.

Кибриё ҚАҲҲОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан маданият ходими.

Улкан дарахт шохлари

ЎЗИДАН ГЎЗАЛЛИК ҚОЛДИРДИ

Тошкент азалдан миллий ҳунармандлар шаҳри. Бу ерда миллий ҳунармандчилигимизнинг ҳақиқий усталари камол топди. Пойтахтимиздаги Самарқанд дарвоза даҳасида таваллуд топган уста Комилжон Салимовнинг номини ҳам кўпчилик катта ҳурмат билан эслашади.

У отаси Салим Маҳсумдан ҳунармандлик сир-асрорини ўрганган эди. Ўз нвбатида шогирдларига ҳар бир бинонинг ташқи ва ички гўзаллигига эътиборни қаратиш, ғиштни юксак маҳорат билан териш лозимлигини уқтирарди. Ҳеч бир ишда камчилик бўлмаслиги лозим, дея қайта-қайта таъкидларди.

Комилжон ота кўпгина йирик иншоотлар қурилишида бош-қош бўлди. Бешёғоч даҳасидаги пойабзал фабрикаси, Тошкент давлат педагогика институти, Алишер Навоий номидаги давлат Академик опера ва балет театри шулар жумласидандир. У киши Абулқосим мадрасасини қайта таъмирлашнинг ташаббускори ва иштирокчиси эди.

Журналистлардан бири уста Комилжон ота ишига баҳо бериб, шундай ёзганди: «Ғишт оралиғидаги чокнинг нафислигини бирор жойда такрор учратмаганман, уста Комилни ғишт теришнинг пири деса арзийди...»

Дарҳақиқат, Алишер Навоий номидаги театр пештоқига кўз тиккан киши бу баҳо тўғри эканлигига иқрор бўлмай қолмайди.

— Эсимизни танибмизки, отамиз: «Меҳнат қилсанг, роҳат топасан» — деган гапни такрорлардилар. Ўзлари билан бирга ишга олиб борардилар, — дея эслайди ўғиллари Тоҳир ака. — Шу-шу ҳозир ҳам бир дам толиққанда яна ғайрат камарини боғлайдиган бўлиб қолганмиз.

1947 йили Навоий театри фойдаланишга топширилгач, Комилжон ота нафақага чиқади. Бу билан у энди дам олай демайди. Ўз ишини ёшларга ўргатади. Бошқалар билан баб-баробар ишлайди. Уста 72 ёшга етганда тўнғич ўғли Толибжон Комилов бевақт вафот этди. Бу ғам-алам Комилжон отани тўшакка михлаб қўйди ва у 1963 йили ҳаётдан кўз юмди. Аммо, у фарзандлари, ўнлаб шогирдлари қалбида, қурган иморатлари тимсолида яшамоқда. Қисқаси, ўзидан гўзаллик қолдириб кетди.

Уста Комилжон ҳаёт даврида «Ҳурмат Белгиси», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» каби қатор орден ва медаллар соҳиби бўлди. Аммо, энг муҳими, ҳар қандай нишон ёки олтиндан ҳам қимматли оиласи, авлодлари бор.

Устанинг ўғиллари Тоҳиржон ва Моҳиржонлар ота ўгитларига амал қилиб кам бўлгани йўқ. Бири муҳандис, иккинчиси шифокор. Улар: «Биз пиру, бадавлатмиз, барча инсоний фазилатлар отамиз ва онамиздан мерос» дея фахрланадилар.

Суннатилла РИЗАЕВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
Г — 0183

Босишга топшириш вакти — 21.00. Топширилди - 22. 00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Спорт

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

• Ўзбекистон кубоги учун дастлабки саралаш баҳсларида 42 футбол жамоаси иштирок этди.

Жамоалар 8 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашдилар. Маълумки, мусобақа низомига мувофиқ ўз гуруҳида 1-2-ўринни эгаллаган жамоалар курашни давом эттириш имкониятига эга бўладилар. Шундай қилиб, «Нефтчи», «Тўқимачи», МХСК, «Истиқлол», «Навбаҳор», «Шаҳрихон», «Пахтакор», «Трактор», «Дўстлик», «Чилонзор», «Машъал», «Насаф», «Наврўз», «Гулистон», «Прогресс», «Нурафшон» жамоалари курашни давом эттирадиган бўлишди.

УМИДЛИ ЁШЛАР

• Тошкентда самбо бўйича республика биринчилиги ўтказилди.

Мусобақага самарқандлик ўсмирлар пухта ҳозирлик кўришгани маълум бўлди. Жумладан, Ш. Даминов, А. Раҳимов, У. Тилабов, О. Жўрақулов, О. Илёсов, Л. Йўлдошев, М. Соколовлар зафар қучишди. Шунингдек, хоразмлик А. Абдуллаев, қашқадарёлик Б. Шоимов ва тошкентлик М. Бектошовлар ҳам ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди.

Шатранж оламида

БОЛАЛАР ХАЛҚАРО МУСОБАҚАГА БОРАДИЛАР

• Мустақиллик шарофати билан Халқаро спорт федерацияларига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиш имкони яратилди. Мусобақаларимиз тартиблари ҳам ўзгариб, юксак талаблар асосида ўтказа бошладик. Муҳими, эндиликда жаҳон ва қитъа чемпионатларига йўлланма олмоқдамиз.

Кейинги икки ҳафта давомида республика шахмат клуби турли вилоятлардан келган 50 нафар энг кучли ўсмир ва қиз шахматчилар ихтиёрида бўлди. Ўсмирлар ва болалар ёшига қараб 3 гуруҳда, қизлар эса 2 гуруҳда ўзаро куч синашдилар. Чунончи, 12 ёшгача бўлган болалар мусобақасида 11 имкониятдан 9,5 очко жамғарган наманганлик Баҳодир Холмирзаевнинг ўйинлари мухлису мутахассислар эътиборини қозонди. Унинг ёшига нисбатан ўзгачароқ феъл-атвори, ўзини тута билиши, асло шошилмаслиги, кўз илғамас афзалликлардан фойдалана билиш маҳорати таҳсинга лойиқ. Ўтган йилги натижалари билан Баҳодир Наманган вилоятининг ун нафар энг яхши спортчиси сафидан жой олгани бежиз эмас. Бу йилги натижасига кўра, у 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказиладиган жаҳон ҳамда Осиё биринчиликларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида худди шундай ҳуқуққа тошкентлик Антон Филлипов эришди.

13-16 ёшли ўсмирлар гуруҳида эса кураш яна ҳам қизғинроқ тус олди. Яқинда бўлиб ўтган биринчи табақа республика катталар чемпионатининг голиби, спорт усталигига номзод самарқандлик Иброҳим Ҳамроқулов навбатдаги ғалабани қўлга киритди. У 11 имкониятдан 10 очко жамғариб, рақобатчиларидан анча илгарилаб, ишонарли ғалабани қўлга киритди. Бу натижа унга 14 ёшгача бўлган болалар Осиё ва жаҳон биринчиликларида иштирок этиш ҳуқуқини берди. Ундан 1,5 очко ортда қолиб, 2-ўринни эгаллаган тошкентлик Олим Тошев 16 ёшгача бўлган шахматчиларнинг энг олий мусобақаларига борадиган бўлди. Ва ниҳоят, 20 ёшгача бўлган ўсмирларнинг Осиё турнири ва айни чоғда 18 ёшгача бўлганларнинг жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқи Марат Жумаев, Собир Умаров сингари гуруҳдошларидан анча ўзиб кетган тошкентлик Рустам Қосимжоновга тегди.

Қизлар ўртасида ўтказилган мусобақалар ҳам қизғин ўтди. Эндигина 8-9 га кирган жажжи қизчаларнинг шахмат тахтасидаги чигал вазиятларни ўзига хос тарзда ечиш маҳоратига гувоҳ бўлган ҳар бир киши қаноат ҳосил қилиб, устозларига тасанно айтиши турган гап. 10 ёшгача бўлган қизлар орасида республика чемпионатларининг кўпкарра голиби, халқаро мастер Ольга Кимнинг фарзанди Катя Ким 9 учрашувнинг барчасини ютиб, биринчи бўлди. У энди 10 ёшгача бўлганлар орасида жаҳон ва қитъа ўйинларида қатнашади. 12 ёшгача бўлган қизлар орасида тошкентлик Елена Карбут ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлди. 16 ёшгача бўлганлар сафида самарқандлик Ҳамроқуловлар сулоласининг яна бир вакили Ирода 11 имкониятдан 9,5 очко жамғариб, юксак даражадаги мусобақага йўлланма олди.

Халқаро шахмат федерациясининг низоми ва йилномасига кўра Осиё биринчиликлари Эронда, жаҳон биринчиликларини эса Жанубий Америкадаги Колумбия мамлакатида июль-август ойларида ўтказиш кузда тутилган.

Муносиб ўринбосарларимиз бу юксак мусобақаларда ҳам ўзларини кўрсата оладилар, деган умиддамиз.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

ÔZBEK SERVIS MAZ

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси.

Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотади:

МАЗ автомобилларининг эҳтиёт қисмлари (100 номда)

Шу жумладан:
- *МАЗ-53366* автомобили соябони (тенти) пломбалаш троси билан,
- *202* генератори,
- ременлар,
- датчиклар,
- турли турдаги амотизаторлар,
— кабина копламалари
- *А24-1, А24-5* электролампалари.

Шунингдек, **МТЗ** тракторларига эҳтиёт қисмлар (30 номда), шу жумладан:
- блок головкаси,
- цилиндрлар блоки,
- гидроусилитель,
- коленваллар вкладишлари билан,
- дисклар ("ведомий" ва "нажимной") сотилади.

300x508 шиналари сотилмоқда.

Ҳақ тўлаш шакли — сўмда нақд пул ўтказиш, вексель йўли билан.

Манзил: Тошкент, Кафанов — Нукус мавзеси, 3.
Телефонлар: 54-99-19, 54-69-72, 54-88-11,
Факс: 54-99-11.

Ойбек шох кўчаси
Нукус кўчаси

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — МАҲСУЛОТЛАР ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ.

"БУХОРО ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ"
очиқ турдаги акционерлик жамияти
акционерлари диққатига!

1996 йил 24 апрелда корхона ҳудудида — Тарас Шевченко кўчаси, 19-уйда акционерларнинг умумий йиғилиши бўлади.

Кун тартибидаги масалалар:

1. Акционерлик жамияти бошқарувининг йиллик ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Бошқа масалалар.

«ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ»
Республика акционерлик бирлашмаси

Давлат солиқ қўмиталарида рўйхатга олиш муддати 1996 йилнинг 1 майига қадар узайтирилган, чет элда ишлаб чиқарилган

«РОЙАЛ»
назорат-касса машиналарини

хўжалик шаклидан қатъи назар, чакана савдо корхоналарига савдо учун

Тақдим этади.

Битта НКМнинг нархи — 230 АҚШ доллари, сотилаётган кундаги курс қийматида, Ўзбекистон Республикаси сўмларида.

Ҳақ тўлаш шакли-нақд ёки пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: 700091, Тошкент ш., «Янги-обод» даҳаси, «Толарик» кўчаси, 24.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119.
«Янгиобод» шох бекати.

"ПГС" КОРХОНАСИ

Юқори самаали, тежамли, ишлатилиши осон, махсус таълим ва жой талаб этмайдиган

МИТТИ НОВВОЙХОНАЛАРНИ СОТАДИ.

Унда ёпиладиган маҳсулотлар (печенье, кулчалар, батонлар, нон ва бошқалар) сифатли ва мазалидир!

Кафолати — 12 ой.

Манзил: Тошкент, Халқлар дўстлиги кўчаси, 29. (Собир Раҳимов метро бекати.)
Телефонлар: 79-14-29 (кундузи), 53-58-82 (кечқурун).

«Ўзбекистон овози» таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари Тўхтамурод Тошевга онаси **Норбу ая ИСКАНДАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ суратқаш-мухбири Абдувоҳид Тўраевга отаси **Абдусаттор ТЎРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маҳалла» газетаси таҳририяти жамоаси Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Истиқлол» маҳалласи қўмитаси аъзоси, «Адолат» газетаси Бош муҳаррири Тўхтамурод Тошевга волидаи муҳтарамаси **НОРБУ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдириб сабру бардош тилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси жамоаси қўмита бош мутахассиси, филология фанлари номзоди Нарзулла Қосимовга онаси **Зийнат момо РЎЗИМУРОД қизи**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздавнефтьмаҳсулот» давлат акционерлик бирлашмаси «Ўзбекавтогаз» ҳудудий бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари Мақсуда Мураббиевага онаси **Кимсаной ЎРИНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд кооператив институти жамоаси тижорат факультети декани ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Искандар Сиддиқовга акаси **Раббим СИДДИҚОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.